

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАРШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил декабр

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XOTIN-QIZLAR QUMITASI, BOLALAR JAMGARMASI VA «SOFLOM AVLOD UCHUN» XALQARO XAIRIYA JAMGARMASI HAFTALIGI

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

БОЛАЛИ ОИЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛАБ – ҚўВВЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ Тўғрисида

Болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўйбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида:

1. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни шундай нафақага муҳтож оилаларгагина бериш ва уни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тўлаш тўғрисида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (шаҳарчалар, кишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари)нинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб кўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари — шаҳарчалар, кишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларнинг йиғинлари томонидан тайинланади ҳамда оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олинган ҳолда энг оз миқдорнинг қуйидаги миқдорларида тўланади:

- бир нафар болали оилаларга — 50 фоиз;
- икки нафар болали оилаларга — 100 фоиз;
- уч нафар болали оилаларга — 140 фоиз;

тўрт нафар ва ундан кўпроқ болали оилаларга — 175 фоиз.

Болали оилаларга нафақа бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошқоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий шартлар деб ҳисоблансин.

3. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш барча органларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган махсус жамғармалар ташкил қилинсин, уларнинг маблағлари болали муҳтож оилаларга нафақа тўлаш учун сарфлансин.

Шу мақсадда: Ўзбекистон Республикасининг Халқ банки 1996 йилнинг 31 декабрига қадар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан «Болалар нафақалари» махсус ҳисоб varaқлари (илова ҳисоб varaқлари)ни очсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йилги бюджетни белгилаш чоғида ушбу нафақага муҳтож оилаларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда болали оилаларга нафақалар тўлаш учун зарур маблағларни кўзда тўтсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлари, идо-

ралар, уюшмалар, концертлар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари ҳамда тадбиркорлик тузилмалари мавжуд имкониятларга мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан болали оилаларга ҳар томонлама қўшимча ижтимоий ёрдам берсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилиб, унда 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби ўрнатилишини кўзда тўтсин.

6. Оммавий ахборот воситалари болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини фаол суратда олиб бординлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни кенг қўламда хабардор қилиб турсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сон Фармони 1997 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 10 декабр.

Акс-садо

ҒАМХУРЛИҚДАН МИННАТДОРМИЗ

Ўтган куни телевизордан юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўлаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб эшиттиришганда кўзимга беҳиётиёр ёш келди. Менинг ёшим 63да, икки ўғил, уч қизни тарбиялаб, уйли-жойли қилдик. Ҳозирда 15 неварам, бир чеваранинг бувисиман. Демокриманки, болали оилаларга ҳеч қачон бугунгидек эътибор, ғамхўрлик қўрсатилган эмас. Президентимиз Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ижтимоий ҳимояга жиддий эътибор қаратиб, яхши-яхши фармонлар билан элнинг дуосини олмақдалар. Эртанги кунининг эгалари бўлган фарзандларига ҳар жиҳатдан эътибор қаратган, уларнинг қомил инсонлар бўлиб етишишлари учун муттасил қайғурадиган юртнинг истиқболи порлоқ, келажаги буюк бўлиши шубҳасиздир. Бу фармон биз оналарни, бувиларни фарзандларимизни келгусида шу юртнинг қорига ярайдиган, унинг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшадиган инсонлар қилиб тарбиялашга масъулият билан ёндашишга ундайди.

Мухаррам АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳридаги Абдулла Набиев номи маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси



Қор соғинчи ...

СОҒЛИҚЛАР ЯХШИМИ, ЖАНОБ ЖИРИНОВСКИЙ?

Лукма

Кучук — галати маҳлуқ, ўтган-кетганга бекордан-бекор ҳураверади. Жуда жазава-си кўзиганда атрофида ириллашга ҳеч ким тополмаса, думини тишламоқчи бўлиб, гир-гир айланаверади.

Шуқурки, биз инсонимиз, ҳуда-беҳуддага ҳар кимга ташланавермаймиз. Бирок, ора-мизда феъли бузуқроқ, ичи қорароқ, тили захарроқлар ҳам йўқ эмас. Бундай тоифадаги одамларга яшаш қийинроқ. Қўшинисиникида шоду-хуррамлик бўлса, таниши лоторяга машина ютиб олса, уларнинг юра-

ги сиқилиб, ҳасаддан куйиб адо бўладилар. Жаноб Жириновскийга ҳам қийин. Духтирлар унинг касалини аллақачон аниқлашган. Мухтарам сиёсатчининг танаси ҳасад, гараз ва вавос микрооблари билан захарланган экан. Бечора даволаниш учун югурмаган жойи, кўринмаган шифокори қолмади. Ҳатто хорихдаги энг зўр духтирлар ҳам унинг дардига шифо топишолмади. Кейинги пайтларда касали анча оғирлашиб қолди. Тушлари ҳам галати, ҳали овғини Ҳинд океанида ювгиси келади, ҳали ўзбекининг ҳамма

пахтасини битта танка алишмоқчи бўлади. Хуллас, алаҳсираши, босинқираши кўпайиб қолди, унинг «Континент» газетасининг шу йилги 49-сонда Жириновский жанобларининг яна бир алаҳсираши босилиб чиқибди.

Энди «доншманд сиёсатчи» Болтиқбўйи, Украина ва Белоруссия, Қозоғистон ва Марказий Осиё мамлакатларини биз боқаямиз. Бу жойлардаги олтин, газ ва нефть захираларини рус геологлари топган, ўзбекининг ҳам қозоқнинг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмайди, деган мазмунда ваъз қилибдилар. Хуллас,

ётса, турса фақат собиқ империяни тиклашни ўйлайдиган одамдан бошқа нимани ҳам кўтиш мумкин.

Тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди... ҳураверади, карвон ўтаверади.

Соғлиқлар яхшими, жаноб Жириновский? Биз сиздан хафа эмасмиз. Бемор одамдан ким ҳам хафа бўларди. Ие-ие, нега орқангизга қараб гир-гир айланаяпсиз. Думингиз йўқ эди, шекилли...

**Р. КОСИМОВ,
А. РАҲИМБЕРДИЕВ**

Сурхон томонларда

«ЖАЙРОНХОНА»
ИМКОНИАТЛАРИ

Термиз тумани ҳудудида жойлашган «Жайронхона» соғломлаштириш масканининг довуғи узок-узокларга кетган. Ана шу довуғлик масканнинг жамоаси ҳам тадбиркорлик билан иш юритмаслик замондан ортда қолмоқнинг бир кўриниши эканлигини англаб етди. Чунончи, Термиз гишт заводи билан келишилган ҳолда ўн икки ўринли профилакторий қайта таъмирланди. Барча сарф — ҳаражатлар завод тарафидан бўлди. Ўз навбатида завод шу нарсани қўлга киритдики, бундан буён унинг ишчи ва хизматчилари мазкур профилакторийда бепул даволаниш, саломатликларини тиклаш имкониятига эга бўлдилар.

Соғломлаштириш маскани ўз ходимларини ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам амалий ишлар қилмоқда. Масканга қарашли беш гектарлик ёрдамчи хўжалик бор. Мана шу хўжалиқдан 1996 йилда ўн тонна галла олинди. Галла ҳам бегона бўлгани йўқ — ходимларга ўртача саксон килодан тарқатиб берилди. Айни кунларда ёрдамчи хўжалиқнинг 3 гектар ерида экилган галла майсалари қурпа бўлиб қолди. Икки гектар ерга эса сабзи, шолғом, пиёз ва бошқа сабзавотлар экилган.

ЖАМҒАРМАНИНГ
МУРУВВАТИ

«Олтин мерос» халқро жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими Термиз давлат университетининг ўқиш ва жамоат ишларида фаол қатнашаётган икки нафар талабасига қўшимча стипендия ва уч нафар талабасига совриндор ўрин жорий этди.

ФАОЛЛАР
ТАҚДИРЛАНДИ

Сурхондарё вилоят маънавият ва маърифат маркази халқ миллий аъналарига доир нодир кўлёмаларни, терма ва лапарларни, мақол ва маталларни тўплашда жонқуярлик қилган Термиз давлат университети талабаларидан олти нафарини пул мукофоти билан тақдирлади.

ДЕМЯН БОБО
САКСОНГА КИРДИ

Сурхондарё вилоят ҳокими Жўра Норалиев чиқарган қарорга кўра, матбуотда узок йиллар, аниқроғи 52 йил ишлаган, «Заря Сурхана» газетасининг собиқ бош муҳаррири Демян Демянович Бичков таваллуд топган куннинг 80 йиллиги кенг нишонланди. Ўтган шанба куни Термиз шаҳридаги «Навбахор» ресторанида Демян бобонинг 80 йиллиги муносабати билан ёзилган катта дастурхон атрофида унинг касбдошлари, қариндош-уруғлари, вилоят, шаҳар ҳокимликларининг вакиллари, мухлислар тўпланишиб, дилдор суҳбат курдилар.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ

Ахборот

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалласининг маданий-маърифий марказида «Маҳалла — маънавий-ахлоқий тарбия маскани» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази

МАҲАЛЛА —
ТАРБИЯ МАСКАНИ

ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда инсоннинг маънавий баркамоллигида аёл ва оиланинг роли, маҳалланинг қадриятлар ўчоғи эканлиги, ёшлар тарбияси, соғлом турмуш тарзи ҳақида сўз борди.

Шунингдек, республикада маҳаллалари хотин-қизлар кенгаши фаолиятига бағишланган кўрик-танловнинг якуний босқичи ҳам ўтказилди ва ғолиблар аниқланди.

Анжуманда Республика Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Муассисларимиз фаолиятдан

ИШИМИЗ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Маҳалламиз ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолининг 1450 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг олти нафари ўзининг хусусий фирмасига эга. Яна 220 аёл эса хусусий тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Кўпчилик оdatда хусусий тадбиркор деганда бозорда ўтириб нарса сотишни тушунади. Бизнинг аёлларимиз эса кўпроқ ишлаб чиқаришга эътибор беришяпти. Улар томонидан, жумладан, турли хил шарқона ширинликлар тайёрланапти, чопон, кўрпача, дўппи, кашта тикилапти. Маҳалламиз ҳудудида жойлашган хусусий «Ўзаллик салони» бутун қаршиликларнинг тилига тушган, десаам янглишмайман. Бу ерда хизмат кўрсатиш савияси ва сифатининг юқорилигидан кўпчилик миннатдор бўлмоқда.

Маҳалламиз аёлларининг 130 нафари халқ таълими, 50 нафари эса тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётгани ёшлар тарбияси борахат ишларимизда айниқса кўл келаяпти. «Қизларни турмушга тайёрлаш», «Ёшлар — юрт иқболи» дастурлари асосида турли учрашувлар, кечалар, кўриқлар уюштирилмоқ-

да. Ўсмир болаларни, қизларни мунтазам равишда тиббий назоратдан ўтказишни йўлга қўйганмиз.

Маҳалла кўмитаси қошида ташкил этилган «Хонадон» клуби ўз атрофида санъаткор, сураткаш, видеотасвирчи қабиларни бирлаштирган. Улар маҳалламиз аҳолининг тўй-маъракаларида хизмат кўрсатишади. «Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш гуруҳи» эса боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, кўп болали, ногирон, фронт ортида меҳнат қилма аёлларга моддий ва маънавий қўмак беришга ўз фаолиятини йўналтирган. Бу борада турли жамғармалар билан яхши алоқаларни йўлга қўйганмиз.

Қилаётган ишларимизнинг беҳуда эмаслиги ва самараси республика маҳаллалари хотин-қизлар кенгашилари иш фаолиятига бағишланган кўрик-танловда намоён бўлди. Танлов якунига кўра ишларимизга юқори баҳо берилиб, энг намунали маҳалла хотин-қизлар кенгашиларидан бири деб топилди.

Сайёра ЗОИРОВА,

Қарни шахри «Чармгар» маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси

ЭА ДАРАКИГА ДАРАКАШ ИНСОН



Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида «Самарқанд» деб номланган катта бир қишлоқ бор. Ушбу қишлоқ аҳолисининг деярли барчаси бир-бирига қариндош. Уларни кўпчилик содагина қилиб «самарқандликлар» деб аташади. Бу атама фақат қишлоқ номи билангина боғлиқ эмас. Ҳақиқатан ҳам қишлоқ аҳли асли самарқандликлар. 50-йилларда тоғ ва дашт қишлоқлари аҳолисини кўриқ ерларни ўзлаштириш учун қадрдон юртларидан мажбурий равишда кўчиришган.

Ўша йилларда Самарқанд вилояти ҳудудида бўлган Фаллаорол даштларида асосан галлачилик ва чорвачилик билан шуғулланган аҳоли бу ерга келиб ўзгача иқлим ва шароитда, касби-корларини батамом ўзгартириб деҳқончилик, яъни асосан пахтачилик билан шуғуллана бошладилар. Қишлоқ кексаларининг эслашича, улар кўчиб келганларида ҳозирги «Дўстлик» номили жамоа ҳудудига қарашли ерлар тўқай бўлиб, асосан қамишзорлардан иборат бўлган.

Аммо вақт ҳакам, инсон кудрати эса мўъжиза яратишга қодир. Бу ерга кўчиб келганлар ўз тақдирларини ўзлари яратишга азму қарор қилдилар. Қолаверса, тиричилик, рўзгор тебратиш керак. Тўқай ерлар не-не машаққатлар эвазига ўзлаштирилиб, пахта, шולי экилди. Катта-кичик иморатлар қурилди. Қисқаси, бугунга келиб «Самарқанд» деб аталувчи бу қишлоқ вилоятдаги обод ва кўркам қишлоқлардан бирига айланди. Тошкент шаҳрининг Сирғали тумани билан ёнма-ён жойлашган бу қишлоқ аҳли ҳозиргача ўз шеваларида гаплашадилар ва ўзларининг урф-одатларини сақлаб қолишган.

Қишлоқда уч мингга яқин аҳоли яшайди. Бу аввало нуруний отахону-онажонларнинг ўғитлари, қолаверса, қишлоқ фаолларининг саъй-ҳаракатлари натижасидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш энг долзарб вазифаларидан бири эканлигини яхши билган маҳалла оқсоқоли Милтиқбой Хонназаров бир қанча тадбирларни амалга оширди. Қишлоқда гишт ишлаб чиқарадиган кичик цех ташкил этилиб, кишилар иш билан таъминландилар. Қишлоқдаги А.Қодирий номи 30-урта мактаб ўқувчилари Милтиқбой боболаринан миннатдор. Чунки мактабга газ билан ишлайдиган иситиш тармоғи қуриб берилди.

Ажойиб инсон Милтиқбой ака Хонназаровга тақдир эл қорига яшашни насиб этди. Бу ҳар кимга ҳам насиб этмаган бахтдир. «Халқ дардига ҳамдард бўлиб яшашни истайман», дейди у киши. Бу сўзининг замирида эса Милтиқбой аканинг ушалган ва ушалмаган орзулари, қилган ишларининг самараси, инсонларнинг миннатдор нигоҳлари бор.

Раҳматилла БЕРДИЕВ

НОН
ТАЪМИ

Ҳозирги кунда бутун Ўзбекистон бўйлаб хилма-хил корхоналар, шу жумладан хусусий корхоналар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Улар кўрсатаётган хизмат турлари ҳам гоаят хилма-хил. Булар ўртасида тонг саҳардан иссиқ нон етказиб бериш халқимиз орасида алоҳида ҳурмат ва миннатдорчиликка сазовордир. Бугунги кунда пойтахтимиз Тошкентда ҳам аҳолига турли хил бўрсилдоқ нон етказиб бераётган корхоналар кўп. Улар орасида хусусийлари ҳам талайгина.

Мана биргина М. Ёқубхўжаеванин «Дурдонахон» хусусий дўконни оғайлик.



Тадбиркор аёллар

Машхура опа озиқ-овқат савдоси тизимида кўп йиллардан бери меҳнат қиладилар. Шунинг учун замонар ўзгарган пайтда юрагида сақлаб юрган азалий орзуларидан бири амалга ошишини тушуниб етди. Ҳа, энди дилдан ишлаш имконияти туғилди. Шу имкониятлардан фойдаланиш ниятида Машхура опа ўзи ишлаб юрган дўконни хусусийлаштирди ва нон ёпиш ҳамда сотишга ихтисослаштирди.

Машхура опаниннг хусусий нон дўконида ўша, ўзлари бирга ишлаб келган жамоаси асосан сақланиб қолди. Улар дўкон хусусийлашгач, меҳнатга муносабат ўзгаришини, иш янада ахшироқ кетишини тушуниб етдилар. Бугунги кунда бу дўкон маҳсулотлари харидорларга жуда маъқул келмоқда. Улар орасида доимий харидорлар жуда кўпчиликини ташкил қиладилар.

Дўконда 15 киши меҳнат қиляпти. Улар иш шароитларидан жуда мамнун. Агар дўкон хизматчилари Шарофатхон ва Кароматхонлардан бу ҳақда сўраб қолсангиз, улар оғзиларидан бол томиб Машхура опани, ўз ишларини мактаб кетишади.

Зокиржон ва Шаҳзодлар ҳам бу фикрга дилдан қўшилишадилар.

Эрта тонгдан дўкон атрофини иссиқ нон ҳади тўтиб кетади. Хушбўй, ёқимли ҳид одамларнинг иштаҳасини қитқилайди. Ҳозиргина пишган юмшоқ ва бўрсилдоқ нонлар нонушта маҳали ва бутун кун бўйи дастурхонларимизни безайди. Нон ҳиди ҳамшиша чор атрофга тарқалаверсин. Зеро, дунёда нон ҳидидан, таъмидан-да ёқимлироқ нарса бўлмаसा керак. Илойим, барчамизнинг ризқимиз бутун бўлсин.

Ҳамид СУЛАЙМОН

«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти газета ходими Дилобар Эргашевага отаси
Ҳошимжон МҶМИНОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАР



АСОСИЙСИ ОДАМИЙЛИКДА

Бошпанасиз, беватан 49 миллиондан зиёд кишига паноҳ топиш, уларнинг муаммоларига, ташвишларига шерик бўлиш унинг ишининг асосий моҳиятини ташкил этади. Дарбадарларнинг аксарияти қочоқлар, қувғинга учраган ва ватанидан кўчириб юборилган кишилардир. Яъни уруш, қиргинларнинг жабрдийдалари дейсизми, таъқиб қилинаётганлар дейсизми, бари Огата Садақонинг хузурига келишади. Чунки бу юмушларнинг ҳаммаси учун БМТнинг қочоқлар билан шугулланувчи Олий комиссари, 68 ёшли Огата Садақо масъулдир. Огата бу лавозимда ишлаётган биринчи аёлдир.

1991 йилда Огата бу лавозимга келганда Форс кўрфазидидаги нотинчлик сабаб 2 миллион курд қочоқлари дарбадар кезишаётганди. Босния, Чехия, Мозамбик, Афғонистон, Озарбойжон, Арманистон, Руанда каби нотинч ҳудудлардаги вазият ишни янада чигаллаштирарди.

Биринчи фасл. Нақиб ҳақида
Агар «нақиб» сўзининг маъноси нима, деб сўрасалар, дегилким, «нақиб» арабча сўз бўлиб, маъноси синовчи, танийдиган демак. Яъни нақиб одамлар феъли, руҳиятини яхши фахмлайдиган кишидир ва ул кишилар ўз замонаси қавму аҳлининг гувоҳидирлар. Тарикат аҳли эса кишиларнинг ҳол-аҳволини пайқайдиган, руҳшунос одамни нақиб дейдилар, яъни нақиб бир қанча фазилатларни жамлаган донишманд, закий инсондир. (Шундай бўлгач), агар қандай одамни нақиб дейдилар, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгилки, куйидаги ўн хислатни жамлаган одам нақибдир: биринчидан, у олим бўлмоғи керак. Иккинчидан, у омил, яъни илмига амал қилувчи тажрибали киши бўлсин. Учинчидан, кўп сафар қилиб, кўпни кўрган бўлсин. Тўртинчидан, раҳбарлик қобилиятига эга бўлсин. Бешинчидан, насиҳатгўй бўлсин. Олтинчидан, яхшиликни соғинадиган бўлсин. Еттинчидан, сахий бўлсин. Саккизинчидан, ҳулқи ёқимли бўлсин. Тўққизинчидан, ҳақ сўзни айтадиган бўлсин. Унинчидан, сирни сақлайдиган бўлсин.

Агар «нақиб» сўзининг ҳарфлари нима маънони билдиради, деб сўрасалар, айтгил: Н-ниёзмандликни, Қ-қабулни (нақиб тарикат фарзанд-

«Руандада 2 миллиондан зиёд киши қувғинга учради, Босниядаги уруш 3,7 миллион кишининг кўчиб кетишига сабаб бўлди. Ахир, кимдир уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиши керак эди. Шу боисдан мен бу қалтис ишни танладим. Бу айбисиз айбдорларга паноҳ бериш, уларнинг манфаатлари учун курашишга бел боғладим», — дейди Огата.

Огатанинг бобоси ташқи ишлар вазири, отаси эса нуфузли дипломат бўлган. Кўриб турганингиздек, бу масъулиятли лавозимга у ўз-ўзи-

ларининг барчасини муҳаббат билан қабул қилиши лозим), Й-ёрлик ва меҳрибонликни, Б-беҳбудий (футувват аҳли ниятларининг доимий яхшилиги)ни билдиради.

Иккинчи фасл. Аҳд отаси хусусида

Агар аҳд отаси ким, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгилким, тарикат фарзандини аҳду паймон билан боғловчи кишини аҳд отаси дейдилар. Агар аҳду паймон боғлаш қандай бўлади, деб сўрасалар, бу куйидагича бўлади, деб айтгил: аҳд отаси талабгор йигитга қараб: «Бизнинг аҳдимизни қабул қилиб, ҳалқамизга (сафимизга) кирдинг, энди шайтон амрига кирмайсан ва макруҳлардан парҳез қиласан», деб айтади. Толиб эса: «Ҳалқангизга кирдим ва минбаъд хилоф иш қилмасликка аҳд қилдим», дея қасам ичади.

Агар тарикат аҳдномаси қайсидир, деб сўрасалар, бу — муриднинг гувоҳлик учун ҳозир бўлганлар курсида ният қилиб, фатий, яъни жавонмардлар ҳалқасига киришидир, деб айтгил...

**Хусайн Воиз КОШИФИЙ
ФУТУВВАТНОМАИ
СУЛТОНИЙ**

Нақиб-аҳд отаси ва шадд устози (вафо белбоғини боғловчи киши) ва шоирд билан шадд устозининг аҳдлашуви ва бунинг шартлари, руқслари ҳақида

Учинчи фасл. Аҳду вафо белбоғини боғловчи устоз ва (бел боғлаш) шартлари ҳақида

Билгилким, ҳеч бир иш устозсиз амалга ошмаган ва кимки устозсиз бир ишни қилур эрса, ул ишнинг асоси мустаҳкам бўлмағай. Дерларким, киши агар кашфу каромат мартабасига етса ва ундан ажойиб мўъжизалар содир бўлса ҳам, агар унинг макбул раҳнамо устози бўлмаса, иши бирор натижа бермайди ва арзимас бўлади.

Бас, ҳар ким иши асосли (пойдевори мустаҳкам) бўлишини ўйласа, энг аввал комил инсон этагини тутиб, унга қўл берсин... Устознинг

дан келиб қолгани йўқ. Ёшлигидан сиёсий, ижтимоий соҳаларга қизиқишига имконият яратилганда. У оиласи билан АҚШда ва Хитойда яшади. Калифорниядаги Берkeley университетиде сиёсий фанлар доктори унвонини олди.

1968 йилда она ватани Хитойда БМТнинг вакили сифатида иш бошлади. 1979 йилда Комбоджа қочоқларига ёрдам қўлини чўзиб, уларни ҳимоя қилди. Кейинчалик ЮНИСЕФ халқаро ташкилотиде ҳам нуфузли вазифаларда ишлади.

1990 йилда БМТнинг инсон ҳуқуқ-

зарурлигига далил кўпдир, устозга эргашмасдан кишининг меҳнати самара бермайди. Кимки, устозсиз иш бошлаган бўлса, иши ва амали самара қозонмайди, устознинг этагини тутиб шод бўл, бир муддат устодга хизмат қилганда, сўнгра ўзинг устод бўл.

Ва бу йўлда футувватга талабгор одамнинг белини боғлайдиган одамни устоди шадд (аҳд-вафо устози) деб атайдилар. Ва белини боғлашга талабгор шогирдни халаф (халифа) дейдилар ва тарикат фарзанди ҳам дейдилар.

Агар устоди шадд амал қилиши лозим бўлган шартлар нечта, деб сўрасалар, олтига деб айтгил. Биринчидан шуки, унинг белини комил инсон боғлаган бўлсин, агар унинг белига бирор марднинг қўли тегмаган бўлса, унинг фарзанд (шогирд) белига қўл теккизишга ҳақи йўқ. Иккинчиси шуки, футувватга оид барча сифатлар унда мужассам бўлсин. Учинчидан, тарикатнинг ноэтик имо-ишораларидан хабардор бўлсин, уларни шогирдга етказа олсин.

Агар комил устоз ким, деб сўрасалар, у пок мазҳабли, ўз айбини кўрадиган, доно ва тамизли кишидир, деб айтгил. Унда ҳасад, гина ва бахилликдан асар бўлмайди...

Тўртинчидан, бел боғлайдиган устоз бу ишни сидқидилдан, тўғрилиқ юзасидан қилсин, унинг асл моҳиятини англаб иш қилсин. Бешинчидан, фарзанд белини шайх, нақиб ва тарикат биродарлари ҳозир бўлган мажлисда боғласин ва агар муяссар бўлса, белини хилват гўшада эмас, балки жамоат олдиде боғласин. Олтинчидан, фарзанднинг аҳволи руҳиясидан яхши хабардор бўлсин, токи унга шадд (ота)нинг қўли лойиқ ёки лойиқ эмаслигини аниқласин. Агарда аҳд отаси муносиб, деб топмаса, бел боғлашни тарк этсин, акс ҳолда йигитга жабр

ларини ҳимоя қилиш бўйича назоратчиси бўлиб иш юритди. Ҳатто ўша пайти харбий диктатура Миянмарда фуқароларга жабр-ситам ўтказиб қўйган ҳақидаги аризани олади. Ва дарҳол у ерга ташриф буюриб, диктаторлик зулмига барҳам беради.

Огатанинг тап тортмай ҳақиқатни айтиш фазилати кўпчиликка ёқмаган. У БМТнинг қочоқлар билан шугулланиш бўлимига бошлиқ бўлганининг дастлабки йилидаёқ таъйиқлардан қўрқмай, Саддам Хусайн ҳукуматини қурдларга нисбатан адолатсизлик қилаётганликда айблади.

Хуллас, у қаерда ишламасин, асосий дастури одамийликка қаратилганди.

БМТ Бош Ассамблеяси Огатадай фидойи инсоннинг башариятга нафи катта эканлигини эътироф этаётганлиги, унга берилган ҳолисона баҳо десак янглишмаймиз.

Лижов САФАРОВ

Оламда гап кўп

КРИШНАНИНГ СЕВИМЛИ ТАОМИ

Ҳиндистоннинг Маҳабалипурам шаҳрида «тебранувчи қоя» номли баландлиги 8 метр, узунлиги 12 метрли тош мавжуд бўлиб, унинг пайдо бўлиши ҳақида турли хил ривоятлар юради. Энишки, бу тош Кришна худосининг сеvimли таоми — сариеғнинг қотиб қолган бўлаги экан.

қилган бўлади. Агар бел боғлаш шартлари (асослари) нечта, деб сўрасалар, олтига деб айт. Аввал шуки, устоз шадднинг ҳамма қоидаларидан хабардор бўлиши керак. Иккинчидан, шогирдга қирқ кун хизмат буюриб, синовдан ўтказсин. Кейин сабр этсин. Учинчидан, қабул мажлисида сув ва туз келтириб қўйсин. Тўртинчидан, беш пиликли чироқни ёқиб қўйсин. Бешинчидан, фарзанднинг белини шарт билан боғласин. Олтинчидан, шадд, яъни қабул маросими учун ҳалво пиширсин.

Агар бел боғлашнинг одатлари нечта, деб сўрасалар, еттита деб айтгил: аввал шадд жойнамози (гилмачасини) ёйиш, иккинчидан, чап қўлни фарзанднинг боши устига қўйиш, учинчидан, ўнг қўл билан фарзандни ушлаб туриш, тўртинчидан, белбоғни тайёрлаш... еттинчидан, фарзанд белини боғлаб, етти кун ўтгандан кейин ечиш.

Агар бел боғлашнинг одати нечта, деб сўрасалар, ўнта деб айт: оламдан ўтган пирларни хотирлаш, фарзандни тарикат биродарларининг сафоли назарига етказиш, шогирднинг қўлини олгандан кейин саловот ва фотиҳа адо этиш, жойнамоздан уч қадам узоклашиш, шадд, яъни белбоғни чап қўлга олиш, ҳар бир маҳалда мувофиқ оятни ўқиш, қоида бўйича шогирднинг юзини йўлга қаратиш, яъни унга барча рошт гапларни гапириш, ҳолвани ўлчаб олиш, шогирднинг қўлини олаётганда кўрсаткич бармоқни унинг кўрсаткич бармоғига теккизиш, ҳар бир амални кўрсатаётганда унинг маъносини исбот билан тушунтириб бериш.

Агар бел боғлашда комил инсон ким, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгилким, мазҳаб-маслаги пок, ўз айбини кўра оладиган, мурид тайёрлашда малака ҳосил қилган, кина ва ҳасади бўлмаган доно ва тамизли одам бел боғлашда комилдир.

(Давоми келгуси сонларда)



ҚАЙТА КЕЛДИМ ДУНЁГА ЁР, МЕХРИНГ ТУФАЙЛИ

Ихбор

Бундан 3-4 йил олдин не орзу-ниятлар билан қурган оилам барбод бўлди. Инсон учун янги қурилган оиласи (уй)нинг бузилишидан оғирроқ дард йўқ экан. Мен оиламнинг бузилишини ҳеч истамангандим. Лекин қанчалик ҳаракат қилмай, асрамай Махлиё шунчалик дарз кетказишга интилаверди. Охир-оқибат ажралиб кетишга мажбур бўлдим. Бу вақт давомида анчагача ўзимга келолмай юрдим... Мен-ку майли-я, муштипар онажоним бир тутам бўлиб қолдилар. Уларни кўриб мен ундан баттар эзилардим.

Уша кунлари бир яқин курсдошим «Сен яхши бўлганимга оилангдан ажрашармидинг», деганда кимдир устимдан муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Юрсам ҳам, турсам ҳам унинг сўзлари қулоғим остида жарангларди. Эйтибор қилмайин десам, кўнглимнинг бир чеккасида «балким ўзимда ҳам айб бордир», деган ўй мени кундан-кун емири борарди.

Ана шунда, аниқроғи, 1994 йил «Ои-

ла ва жамият»нинг 4-сонида «Биз учун кечиринг, куёв» номли мақолам йўқ, айниқса дардли битикларим босилиб чиқди. Унда менинг бузилган оилам, ушалмаган орзуларим ҳақида сўз борганди. Бу дунёда ёмонлар қанча бўлса, яхшилар ундан-да кўпчилигини мен ўшанда англаб етдим. Мақола газетда чоп этилгандан сўнг юзлаб мактублар келди. Муболага эмас, ишонинг, мен орамизда меҳр-оқибатли инсонлар борлиги учун ҳам асл ҳолимга келдим. Мақолага ўз фикрларини билдирган, менга гамхўрона маслаҳат берган кўплаб азиз инсонлардан бир умр миннатдорман. Зеро, тушқунликка тушган дамларимда рўзнома орқали уларнинг билдирган бебаҳо маслаҳатлари, меҳр тўла сўзларини ўқирдим, нечундир кўнглим кўтариларди, таскин топардим.

Яратганга шукроналар бўлсинким, мактублари орқали бўлсада мендан ўз маслаҳатларини дариг тутмаган гоёибона дўст-қадрдонларим туфайли яхши кунларга етдим. Уйландим. Рафиқам мен истаган, мен излаган қиз бўлиб чиқди. У ўзининг меҳрибонлиги, вафодорлиги, орастаю пазандаллиги билан кўнглимнинг эркаси, кенг уйимизнинг се-

викли бекасига айланди. Қариндош-уруғ, айниқса онамнинг хурсандчиликларининг чеки йўқ.

Мана орадан деярли уч йил ўтди. Ёмон кунлар ортада қолди. Яқинда ҳаётимизда яна бир қувончли воқеа юз берди. Биз ўғил кўрдик. Хонадонимиз қувонч-нурга тўлди. Унга онажоним яхши ниятлар билан Рустамжон деб исм қўйдилар. Энди мен гўёки еттинчи омонда юргандайман. Ишончим комил, ҳали ҳаётда бундан бахтиёр кунларни кўрамай. Жажжигина ўғилчамизни қўлларидан етаклаб боғ-роғларда рафиқам иккимиз айлантираемиз. Яна шириндан-шакар фарзандлар ўстираемиз, ўзингиз айтинг, яхшилар, инсон учун оила бахтидан кўра ҳам ортиқроқ бахт борми?

Баъзан босиб ўтган қисқа ҳаёт йўлимга назар ташласам, юрагим яна ўша қаро кунларни эслаб алланечук бўлиб кетади. Яқинда Махлиёнинг отасини кўчада учратиб қолдим. Анча қариб қолибди. Хаёлимдан бир ёмон ўй ўтди: уни қаритган ўша қизи эмасмикин? Аслида Махлиё ҳаётда нима ёмонлик кўрган бўлса, ўз феъли-атворидан топди.

Мен бу билан унга таъна тоши отмоқчи эмасман. Ундайларга даҳри дуннинг ўзи ҳукм чиқарсин. Мен ҳеч кимга, ҳатто душманимга ҳам бахтсизлик тиламайман. Мени тушунувчи рафиқам борлигига бугун минг бора шуқурлар қиламан. Ҳар гал хаёлимдан менга жуда азиз бўлиб қолган қўшиқ жумлалари ўтаверади:

*Қайта келдим дунёга, ёр, меҳринг туфайли,
Ҳаётимда яна баҳор, меҳринг туфайли,
Яшарман мангу бахтиёр, меҳринг туфайли,
Ўрнак олсин барча сенинг САДОҚАТИНГДАН...*

Бугун мен сеvimли рўзнома «Оила ва жамият»дан жуда-жуда миннатдорман. Яна шуниси қувончлики, газета орқали мен кўплаб дўстлар орттирдим. «Оила»нинг ҳар бир сонини қўлимга олар эканман, ўзим учун нимадир топгандек бўламан. Меҳр-оқибат танқис бўлиб кетаётган бир пайтда «Оила ва жамият» зулматни ёритган машъаладек туюлади, гўё. Ҳа, бу фоний дунёда барчамиз ҳам савобу гуноҳ оралиғидаги парвоналармиз. Ахир, ўзгалар дардига шерик бўлмоқлик буюк неъмат эмасми?

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли

Оламда гап кўп

ДАРДЛАРГА ДАВО ЧАЁН

Сингапурдаги ресторандардан бирида хўрандаларга қовурилган чаёнлардан тановул қилиб кўришни таклиф этишади. Бош ошпаз Биан Жан Нян бу таомни ўзининг энг зўр янгилиги деб ҳисоблайди. Шуниси қизиқки, қовурилган чаёнларни ейиш нервларни тинчлантирар, танадаги турли шишларни қайтарар экан.

Кўнглим иходхонаси

ҚОНУНИЯТНИ ТАН ОЛМАГАН ХИЛҚАТ

Туйқусдан мен хаёлни юракдаги ингроғини эшитдим. Балки бу ҳиссий шарпалардир, деган ўйга ҳам бордим. Бироқ янглишган эканман. Чунки у руҳининг қийноқларидан озиқланиб-озиқланиб, исён кўтарётган эди.

Алберт Камюнинг «Шоирлар дунёнинг тан олинмаган қонуншунослари» деган жумласини ўқийман-у, хаёл қонуниятни тан олмаган хилқат дейман ўзимга-ўзим.

Кейинги пайтда хаёл ҳақида ўйлашдан-да кўриб қолдим. Уша ташландик хаёл негадир бошқаларидан фарқи равишда мени ўлим ва ҳаёт ҳақида ўйлашга маҳкум этаверди. Мени овунтириб келган ширин хаёллар эса гўё хайратини бошига қалпоқ тўқиш билан оворадай.

Хаёл ҳатто зерикканимга ҳам астойнасида қоқилаверади. Шунда бу ажаб-тоғур хилқатнинг инсоний ўлчамлардан ўзини холис этолмаётганлигини англайман.

Ўзимча хаёл руҳнинг маҳсуми деган хулосага ҳам келаман. Ахир у руҳдан озиқланиб тугилади-ку. Фақат биз ўзимизча унга ранг бера борамиз холос.

Мен хаёлни жиловлашга уринаман. Бироқ у мендан устун келиб, аллақерларга учуриб кетади. Вужудим эса хаёл каш этган дунёга батамом сингийди.

**Туйғулар пойимда эзилар,
Кўзлари басирми уволнинг?
Юракда инграши сезилар,
Ташландик, хокисор хаёлниг...**

Алжон САФАРОВ

Оламда гап кўп

МЕНИНГ ЎҒРИГИНА...

Янги Зеландиянинг Веллингтон шаҳридаги мавзелардан бирида дорга ёйиб қўйилган кирлар орасидан тез-тез айрим кийимлар йўқола бошлади. Бекалар қузатиб юриб ўғрини туттишди. У шу ердаги уйлардан бирининг чордоғида яшовчи Морис лақабли мушук бўлиб, кийимларни ўзига тўшак қилиб олган экан.

ТАҚДИРДАН ҚОЧИБ БЎЛМАЙДИ

Моҳим! «Оила ва жамият» газетаси 45-сонидаги сизнинг дилларни анчагина ўйлантириб, бир фикрга келишга қийновчи, шу кунларда катта ҳаётга қадам босишга шай турган ёшларимиз учун бир сабоқ бўлғувчи «Икки ўт орасидаман» сарлавҳали ҳикоянгизни кўп қатори ўқиб чиқдим. Аввалам бор, Сизга Худойим шунчалар чидам, метиндек ирода бергани учун шуқурлар бўлсин!

Моҳим, ҳаммамиз ҳам ёшлигимизда бу феруза осмонларда қанотсиз учиб юраемиз. Хаёллар оғушида қўл етмас чўққилар сари одимлаймиз, ҳатто бу телбанамо хаёллар гирдобиди ҳақиқий ҳаёт нима, хаёл нима фарқига борулмай қоламиз. Аммо ота-она олдида бир умрга қарздорлигимиз ҳаққи-ҳурмати уларнинг сўзлари олдида

ҳаммасидан кечиб бош эгамиз. Моҳим, булар учун Сизга ташаккур.

Мен сизга ёрдам берай деган умид билан ушбуни ёзаётганим йўқ, аксинча, Сиздек одамлар бор экан, бу дунё доимо гўзал ва бетакдор бўлаверишини ўқтирмақчиман, холос. Тақдирдан қочиб бўлмайди. Балки, Сиз тез кунларда одамлар юз йил яшаб тополмаган БАХТНИНГ эгаси бўларсиз. Моҳим, эсимда, бир аёл қирқ ёшдан ўтиб турмушга чиқди. Унинг ҳам бошидан қанчалар беҳаловат тунлар ўтди. Ишонинг, ўша аёл шу кунларда жуда бахтли, чунки шу ёшда қатор-қатор фарзандлар кўриб, ҳеч ким бу ёшда татиб кўрмаган бахт мевасини туйиб кўрди ва ўша оилага катта тотувлик келтирди. Қолган болаларга меҳрибон суянчиқ

ва мўътабар она бўлиб қолди. Мен Сизга шундай қилинг, деган маслаҳатни бермоқчи эмасман, аммо бахт дегани инсонга кеч бўлса-да келаркан. Сиз у кишини севиб қолибсиз, у ҳам. Аммо ўша аёл энг сўнги, охириги, энгил шабадада ҳам узилши мумкин бўлган, ишониб яшаётган бахтидан айрилиб қолмасмикин.. Ҳа, биз маслаҳат беришга устамиз, аммо юз ўлчаб, бир кесилмас, эртага келиши мумкин бўлган катта, умрбоқий бахтдан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас.

Моҳим, мен инсонларга бегараз, олижаноблик билан ёрдам кўрсатиб, оғирини энгил қилаётган Сиздек она дуосини олган, Оллоҳ қўллаган инсон бахтли бўлишига ишонаман. Моҳим, албатта БАХТ тез кунда эшигингиз остонасида пайдо бўлади.

андижонлик дўстингиз

Акс-садо



А.САПАРМАТОВ олган сурат

СЕНДАН УМИД УЗОЛМАЙМАН

Сиз нима дейсиз?

Мен бу аёлни учратганимда, аввалга, ҳа энди, турмуш ўртоғи билан чиқишолмай ажралганлардан бири бўлса керак-да, деб жиддий эътибор қилмадим... Бироқ унинг изтиробга тўла ҳикоясини эшитган... Очиги, юпатишга бирор-бир сўз тополмай лол қолдим.

Аёлнинг муқаддаслиги фақат она эканидими? Ёки вафодор ёр, меҳрибон она ё сингиллигимдами? Дунёда фақат аёлларгина бардош бера оладиган, уларга энга оладиган дардлар, жабру ситамлар мавжуд. Чунки, унга ато этилган бардош тоғдек чўнг ва нурамасдир. Бирок...

Менга кўнглини ёрган бу аёл ҳозир ҳеч кимга ишонмайди. Энг ишонган кишидан илҳосинг қайтганда, эҳтимол шундай бўлар. Ҳозир унинг ёлғиз суянчиги, умиди — бир жуфт фарзанди. Бу содда, самимий аёлнинг ҳикоясини айнан кўчириб сизга етказишга уринар эканман, унга Тангридан сабр-бардош тилаб қоламан.

«Инсонда баъзан шундай ҳолат бўладики, юрак ўзининг тор қафасига сиймай қолади. Айниқса, бу сен учун азиз кишидан жудо бўлганимда қаттиқроқ сезилди. Бундай пайтлар бировга юрагингни очинг, дарду ҳасратларингни кимгадир тўкиб солгинг келади. Лекин... Изтиробинг ўта шахсий бўлса, ҳеч кимга айтолмасанг-чи? Ана шунда юрак-бағринг куйиб адо бўлавераркан...

Тунлари менинг ёлғиз сирдошим ёс-тик, шунга сўзлайман, холос. Чунки...

Ҳозир ҳеч кимга ишонмайман. Кўп-лар орасидан ёлғиз танлаганим, кўнгил берганим аслида У эди. Шунинг учунми, бошқа биров юрагимга сиймади. Ёлғиз У менинг меҳру муҳаббатимни қозонган эди. У эса...

Ҳаётда аёл меҳри топталмасин экан. Унга бундан ортиқ азоб йўқ... Биларди, уни қанчалар яхши кўришимни. Ойдан ҳам, кундан ҳам уни қизганардим, толейига шукроналар айтардим. Биз гарчи севишиб турмуш қурмаган бўлсак-да, кейинчалик феъли-атвори, меҳрибон, ақллиги тўфайли уни яхши кўриб қолдим. Тўғрироғи, чин дилдан севиб қолдим. Айниқса, фарзандларимиз туғилгач, у билан кечган

ойдин кунларни энди энтикиб эслайман. Иккимиз битта мушт эдик. Орамизга раҳна соладиган куч бу оламда йўқ, деб ўйлардим, шунга ишонардим. Тўғри, охириг икки йил ичида болаларнинг кетма-кет туғилиши ва уйдан кўра касалхонада кўпроқ бўлгани уни хийла ташвишга қўйди. Бирок у сездирмас, ҳатто менга далда берарди.

Ҳар сафар онамникигами, қаерга бормайин, ўзи билан бирга олиб бори келарди. Лекин ўша машум кун нима бўлдию бирга боролмади, бизни автобекатдан кузатиб қайтди. Ҳали-ҳали ўйлаб ўйимга етолмайман. Негадир шу куни автобус ҳам арзимаган баҳона — одам камлиги тўфайли юрмади. Бир кўнглим йўловчи машинада бўлсам кетай, дедим. Лекин буни эшитиб қолса хафа бўлар, деган ўйда уйга қайтдим. Эшикни очдим, хонага кирсам... шу лаҳза бутун дунё мен учун қоронғу зулматга айланди. У... У бегона бир аёл билан... Йўқ, йўқ! Бу У эмас, дея жонҳолатда кўзларимни чирт юмдим. Кўзим тиниб йиқилдим. Кейин нима бўлди, билмайман. Уч кундан сўнг касалхонада кўзимни очди, ён-атрофга қарадим. Нега бу ерда ётганимдан ҳайрон бўлдим. Бошим қарахт, ҳеч нарсани фарқлай олмайман. Фақат тепамда онамнинг ёш тўла кўзлари термулиб турарди. Элас-элас эслайман, кечга яқин хонага У кириб келди. Келиши биланок онам ташқарига чиқди. У эса мадорсиз кўлларимни ис-сик қафтлари орасига олиб: «Кечир, Шафоат! Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, ҳеч кимга айтма», деди. Мен юрагим куйиб, ўқиб-ўқиб йиғладим. Ўша кун иситма кўтарилиб аҳволим оғирлашди. Сўнг Самарқандга олиб кетишди. Оғир аҳволда жон талашиб 72 кун ётдим. Ҳар кун, ҳар сония қон бўлиб уни кутдим. Келмади. Бўлиб ўтган воқеа ҳақида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмадим. Агар ўлиб кетсам, ўзим билан охирагга олиб кетишга ҳам рози эдим ўша ҳодисани. Уйдагилар ўртаимизга совуқчилик тушганини сезган бўлишса, менинг кўнглимга қараб, кўп сўраб-суриштиришмади.

Одамнинг боши тошдан-да қаттиқ, деб бекорга айтишмаган экан, инсон барча кўргуликларга чидааркан. Болам деб, уйим-жойим деб аламини ичига ютаркан. Уйлай-уйлай, оёққа тургач, яна болаларни олиб, Андижонга — унинг олдига жўнадим. Йўлда кетаяпману ҳаётда, турмушда бундан-да баттар воқеалар бўлади-ку, дея ўзимга-ўзим далда бераман. Билмадим, қалбимни ҳарчанд алам кемирмасин, юрагимнинг бир тубида яшаб кетармиз, деган умид ҳам бор эди. Автобусдан тушиб, олдин қайнонамникига бордик. Кейин кечга яқин унинг олдига келдик. Ҳаёт шунчалик шафқатсиз эканми ёки пешонам шу қадар шўрмикан, эшик кўнги-рогини босишим билан эшикни бир бегона аёл кулиб очди. Ўзимни зўрга босиб ичкарига кирдим. Қайнонам бечора тинмай жаврай кетди. У эса чурқ этмай бошини ҳам қилиб олди. Бир пайт қайнонам ҳалиги аёлнинг кўлидан етаклаб, олдимга судраб олиб келди: «Болаларингни кўрсат!» — деди. Менинг кулоқларим том битган, ҳеч нарсани эшитмасди. Бегона аёл кўрқудан қалт-қалт титтар, икки кўзи жижқа ёш, қайнонамга юзланиб: «Менга хотиним вафот этган деганди, мени кечиринглар...» дея жон талвасасида эшикдан отилиб чиқиб кетди...

Энг сўнги умид ришталари ана шунда чирт этиб узилди. Энди ҳаммаси тугаган эди. Ёлворди, ялинди, кўл силтадим. Болаларимни олиб қайнонамникига қайтдим. Ўша тун иккаламиз узоқ гаплашиб ётдик. Қайнонам синҳор-базинҳор кетмаслигини қайта-қайта сўради. Юрагим сал эригандай бўлди. Қайнонам билан қолиб, бирга яшашга рози бўлдим. Лекин ана шу ёлғиз, меҳрибон суянчигимни ҳам ҳаёт менга кўп қўрганди. Эртаси тонгда қайнонам қазо қилди — мени бу дунё азобларига ёлғиз ташлаб кетди.

Қирқ кун биз У билан бир ерда бир ҳаводан нафас олиб, бегоналардай яшадик. Кейин ишга чиқиб кетди. Мен ҳеч бир гап-сўзсиз болаларни олиб онамникига — Самарқандга жўнадим. Шу-шу бошқа қайтмадим.

Мана, орадан уч йил ўтибди. Мен Уни ҳеч унутолмадим. Тирик туриб айрилишининг юки оғир

экан. Бошқа бировни ҳаёлимга ҳам келтира олмайман. Ҳаётимни қайта бошдан бошламоқчи бўлиб ўзимни ўзим мажбурладим ҳам, бўлмади. Юрагимдаги хиёнатдан қолган нафрат ўти мени ҳечам тарқ этмади. Шунча азоблар етмагандай, унинг болаларини олдига тез-тез келиб-кейтиши битаётган ярамини яна янгилайди. Устига-устак ярашаман, дейди. Йўқ, энди ортга қайтолмайман. Пешонамдаги ёзғим шу экан, бас, чидайман!...

Албатта, мен бу аламли ҳикояни — қуйган кўнглининг фарёдларини эшитиб, унга тасалли беришга уринганим йўқ. Чунки, унинг ёш умрида кўрган-кечирганлари тийрак ақл-фаросати, қалби кенглиги — кечира билиш иқтидори-ю, сабр-бардошда устиворлиги кўнгли учунгина айтиладиган гапларга йўл қўймади. Унинг хиёнат кўчасига кириб чиққан эрини ҳануз унут олмаслиги, болаларини кўргани келганида қалбидаги яраминг янгилашиши ва ниҳоят ўз ҳаётини янгидан бошлай олмаслигига, яъни бошқа биров билан турмуш қуриб яшаб кетолмаслигига ишончида алақандарий умид учкуллари кўрингандай... Яна ким билсин, инсон гоят мураккаб, унинг қалби баҳор ҳавосидай, бир кунда юз хил турланади. Балки хиёнаткор эрининг кўзи очилгандир... Ҳарқалай, ўртада бир жуфт фарзанд бор...

ХУШ, СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Дилбар РАҲИМ қизи



САДАҒАНГ КЕТАЙ, ЙЎЛОВЧИ



«Ассалому алайкум, азиз йўловчилар, бизнинг автобусимиз «Истиқлол шоҳ бекати — Қорақамиш 2/4» йўналиши бўйлаб қатнайди. Биламан, чарчагансиз. Бир-бирингизни

эъозланг, биродарлар. Бу рубъи масканда ҳамма беш кунлик меҳмон. Уйда Сизга оилангиз, иссиқ уй, овқат мунтазир. Мен эса Сизни манзилингизга иншооллох, эсон-омон етказиб қўяман. Укагинам тепангизда турган отахонга жой беринг. Раҳмат, умрингиздан барака топинг», — кўзгуга бир қараб олган, соч-соқоли дид билан кузалган, оқ-сарикдан келган, кенг пешонали, новча ҳайдовчининг микрофон орқали ёқимли овози эшитилгани ҳамона йўловчиларнинг юзига илиқлик югурди. Беихтиёр биз ҳам сергак тортидик.

Автобус манзил сари йўл олди. Ҳайдовчи эса кета-кетгунча ҳар бир бекатни эълон қилиб, унинг тарихини шарҳлаб борди. Биз фурсатдан фойдаланиб, ҳайдовчини суҳбатга тортидик.

— Абдуқаҳор Абдумалик ўғли Мавлонов, — ўзини таништирди мусоҳибимиз.

— Бир маҳаллари Тошкент жамоат транспорти ҳайдовчилари ҳар бир бекатни беистисно эълон қилишарди. Бу, айниқса, шахримизга меҳмон бўлиб келганлар учун жуда қулай эди. Нега шу эзгу аяна унутилди?

— Маълумотларга қараганда, Руандада йўловчи билан кўпол муомала қилган ҳайдовчига қамоқ жазоси берилса. Шундоқ-кина бизга қўшни бўлган Қозоғистонда бекатда тўхтамасдан ўтиб

кетган ёки бекат номини эълон қилмаган ҳайдовчи бир ойлик иш ҳақидан маҳрум этилади.

Ахир биз шу йўловчиларнинг шарофатидан тирикчилик ўтказамиз, рўзгоримиз обод. Бинобарин, уни ҳар қанча эъозласак, унинг садағаси бўлсак арзийди.

— Иш кунингиз тартиби ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Тунги соат уч яримда уйқудан тураман, нуношта қилиб, бомдод намозини адо этаман. Юртимизга тинчлик-омонлик тилайман. Соат бешда гаражда ҳозир бўламан. Кунига 250-300 километр йўл босаман. Иш куни 12-14 соат давом этади.

— Дейлик, йўловчи автобусга чиқди, аммо кира ҳақини тўлашга унинг пули йўқ. Нима қиласиз?

— Албатта, автобусга чиққан ҳар бир одам кира ҳақини тўлаши керак. Аммо ўша фуқаронинг пули

бўлмаса, илож қанча? Текинга манзилига етказиб қўяман, уни.

— Сизнингча, бекатларни эълон қилиш керакми, керакмасми?

— Ҳайдовчи хушмуомала бўлиши, бекатлар номини эълон қилиши керак деб ҳисоблайман.

— Эрталабки ва кечки «тигиз соатлар» бўлмаслиги учун нима қилиш керак?

— Агар ихтиёр менда бўлганида эди, корхона ва муассасаларнинг иш тартибини «сирғалувчи жадвал»га кўчирган бўлардим. Мактаблар ва олий ўқув юртлири соат 8 дан, завод ва фабрикалар соат 9 дан, вазирликлар ва газета-журналлар тахририятлари соат 10 дан ишлайдиган бўлса, «тигиз соатлар» ўз-ўзидан барҳам еган бўлар эди. Дарвоқе, бундай тажриба баъзи мамлакатларда ижобий самара бермоқда.

Шерали СОКИН

Оламда гап кўп

БАДАНДАГИ ГАЛЕРЕЯ

АҚШда яна татуировка (баданга расм солиш) урф бўлмақда. Мамлакатдаги таниқли татуировкачи расм Кен Камероннинг Майами Бичдаги устахонасида иш қизгин, миҳозларнинг кети узилмаяпти. Жаноб Камероннинг таъкидлашича, одамлар кўпроқ диний мавзудаги расмлар билан баданларини «безатишмоқда».

Мен шу пайтгача ўқиганларим орасида бу мавзудагисини учратмаганман. Узоқ ўйландим — уятсизлик бўлмасмикин?

Донишмандларнинг: «Нимаики табиий, ҳаётий бўлса, бунинг уятлиги йўқ», — деган гапларига асосланиб, қалам ва қоғоз олдим. Қолаверса, бир аёл — она қалбини пора-пораю ўзини бечора қилмоқча сабаб бўлган айни ҳаётий воқеанинг жуда кўпчилиққа, айниқса, қизлар учун ибрати беҳисоб, менимча...

...Хамма учун йўл бўлиб қолган боғни кесиб ишдан қайтаётганим. Болалар майдончасининг чеккасидаги скамейкада ўтирган аёл диққатимни тортди. Мен қарашим билан у юзини яширди, лекин илғадим — кўзлари тўла ёш эди. Қирқларга бориб қолган бу аёлнинг кўнглини сўрасамми? Лекин ўзи истамаяпти-ку, юзини олиб қочди-ку! Шу лаҳза у яна менга қаради, дилимдагини сездим шекли, нигоҳида бир ҳамдардга муҳтожлик зоҳир бўлди...

Узоқ сабабтлашдик. Мен унинг дардига ҳаёт бўлган воқеаларни имкон қадар қисқартириб келтирдим:

— Ёшим — ўттиз тўртда. Бундан ропа-роса ўн беш йил аввал Сурхондарёдан Тошкентга ўқишга кириш учун келдим, лекин маънафатдан ўтолмадим. Қишлоққа қайтиб борсам, келгуси йили яна бу ерга келиб бахтимни синиб қўришга ишончим йўқ эди. Шунинг учун Тошкентда қолиб, заводда ишлаб бошладим. Ётоқхонадан жой беришди. Афсуски, кейинги йили ҳам институтга киролмадим. Бу орада ишга қўйиб, анча дўсту танишлар ҳам орттирдим. Бу ҳақда уйимиздагилар ҳам билишарди, бироқ дастлабки йили ҳамқишлоқларга мени «Ўқишга кирди», — деб айтиб қўйишгани учунми, қайтиб кетишимни қатъий талаб қилишмасди.

Икки йил ўтгач, бир йигит билан танишиб қолдим, у бошқа вилоятдан эди. Бир-биримизни ёқтириб, турмуш қурмоқчи бўлдик. Яшайдиган жойимиз йўқ эди. Завод ётоқхонасининг оилалири учун бериладиган қисмидан хона ажратадиган бўлишди. Оиламиздагилар ҳам истаб-истамай қўйишди, тўй кунини белгиланди, завод ошхонасида кичкинагина тўй бўлиб ўтди. Хар икки томондан келган қариндош-уруғлар саноклигина эди, тўйни асосан ҳамкасбларимиз қизитишди.

...Тўй тарқаб, дугоналарим мени биз учун ажратилган хонага ташлаб кетишгач, онам билан холам: «Бу кеча қувё томондан янага бўлиб бирорта аёл қолармикин?» — деб сўрашди. Мен, тўриси, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмагандим, эшитмагандим. Бир пайт жўралари билан қувёни келди, йигитлар фотиҳа ўқидилару тор хонада иккалаимизни қолдириб чиқиб кетдилар. Уларга қўшилиб онам билан холам ҳам. Бир пайт эшикни тақиллатиб чой олиб келган дугонам: «Ойинг, холанг бизниқанда, хавотир олма», — деб кетишди.

...Ўзимдан уятни сидириб ҳамма гапни айтмасам бўлмайди: шу кеча мен қизлигимни ўзим севган йигитга топширдим. Бунинг исботини бошқаларнинг ўргатишларига кўра, олиб қўйдим. Лекин ҳаётда бахтли бўлиш кийин экан. Йиллар ўтгани сайин тинчидан кўра нотинч, уруш-жанжал билан ўтадиган кунларимиз кўпайиб борди. Шундай жанжаллардан бирида эрим: «Никоҳ кечаси менинг сендан кўнглим тўлган эмас», — деди. Мен бу гапни эшитиб қотиб қолдим. «Нимага, ахир», — деганимни биламан, «Мени алдолмайсан! Ётоқхонада яшайсан-у, ҳалол бўлармидинг?!» — деб бақирди. «Исботим бор-ку!» — десам, «Қанақа исбот? Бунинг йўли жуда осон, мен сен ўйлаган лақма эмасман!» — деди. Ўша пайтда менинг кўз ёшларга зўр беришдан бошқа чорам йўқ эди. Кунлар ўтиб, бу гаплар унутилгандек бўлди. Мен ҳам ўз-ўзимни: «Жаҳл келганда, одам нималар демайди? Ўйлабми, ўйламайми айтиб юборди-да. Менинг қанақалигимни никоҳ кечаси ўзи билган-ку ахир», — деб овутидим, ёнаётган дилимни совутдим. Лекин... Ҳозир катта қизим ўн иккига, кичкина ўғлим ўнга киришяпти. Уч хонали уйимиз бор-у... турмушимиз — совуган ош. Мен эримнинг раъйига қараб неча йиллардан буён таниш-билиш, дўсту ёрларнинг тўйларига, маъракаларига қатнашмай қўйганман, шунинг учун ойда эмас, ярим-бир йилда ҳам уйимизга битта меҳмон келмайди. Отаи ва-

фот этиб, онам касалманд бўлиб қолган. Мен: «Майли, бошқалар билан борди-келди қилмасам ҳам, соғинганимда онамни бир кунгинага бориб кўриб келишимга яхшилик билан қўйсангиз бас», — дейман. Лекин хар уч-тўрт ойда қишлоққа кўзимда ёш билан йўлга чиқаман... Яна бунинг устига... Эрим фарзандларим олдиде мени тинмай ҳақорат қилиб жўрлагани етмагандай, ишга кетган пайтларимда ўғлимга, қизимга мени тинмай ёмонлар экан. Бунинг оқибатлари — дарду дунёни қоронғу қилади. Ахир, мен болаларимнинг қалби кемтик бўлмасин, отасизликдан ўксимасинлар деб шу турмушга кўниб, чидаб яшасам-у, эрим ўз фарзандларимга мени дунёдаги энг ёмон одам қилиб кўрсатишдан ҳеч чарчамаса!

Қулоғим тинч, турмушим осойишта бўлармикин деб, ишлаб топган пулларимнинг ҳаммасини эримнинг қўлига келтириб бераман. Вақти келса, битта пайпоқ учун пул сўрасам ҳам жахли чиқади, сўкинади. Болалар катта бўлишгани сайин, уларниям тинмай сўқадиган, урадиган бўлган.

Кейинги йилларда... дўхтирга учрама-сам ҳам, ўзим билиб турибман — асабларим соғ эмас. Бир кун хафа бўлсам, икки кун танамда қувват қолмайди, бутун вужудим симиллаб оғриydi. Йил-айверганимдими, қўзим бирдан хиралашади. Уйдаги сирни қўчага олиб чиқ-

бир тинчим йўқ. «Қалайсан, ҳамма сиринг фош бўлди-ку! Мени бир умр лақиллатиб ўтмоқчидинг, ўзингни ўрни-нга ўтказиб қўйдим-а!» — деб қулади...

Бундай кунни душманамга раво кўрмайман. Ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келдим, болаларимни оламану шундоқ қуруқ бўйимиз билан узоқ жойга кетамиз. Бир бошлана топилар, болаларни боқишга қурбим етар... Мен учун бундан бошқа йўл, чора йўққа ўхшайди...

...Эҳ-ҳе, бу аёл (менга қирқ ёшдан ўтгандай кўринган, аслида энди ўттиз беш ёш бўлганга ким нима деб таскин бериши мумкин? Зеро, у буни истаганиям йўқ, қўнглини бушатиб олгани учун менга миннатдорчилик билдирдию, шом чўккан боғдан чиқверишда йўлимиз ажралди. Бу учрашув бир ойна муқаддам бўлганди, мен ўша мунглиг овозни ёлғиз қолдим дегунча эшитавераман, қизарган ёшли кўзлар нигоҳимдан кетмайди. Аёлни айбламоққа ҳаққим йўқ, Шу воқеа сабаб бўлдию халқимизнинг қадимий одатларидан яна бирининг моҳиятга етгандек бўлдим.

Маълумки, никоҳ кечаси келин ва қувё томонидан янгалар қолишади. Улар келин билан қувёга маслаҳатчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи бўлиш билан бирга, икки ёшинг жону қон ила боғланишига ҳам ишончли гувоҳ бўладилар. Бундай гувоҳлар бор экан, келинни умрбод қизлик шаъни бора-сида ҳеч ким камситолмайди. Лекин... бугун: «Сен-сиз менга ҳаёт керак эмас. Бошқаларнинг гапига сира парвоёйим йўқ. Мен сенга ўзим ишонсам, бас!» — деб онлар ичиб севглисининг ишончини қозонган-у... Ҳаётнинг мураккаб йўлларида тақдирлари ажралишга келиб қолса, ўзини оппоқ кўрсатмоқ учун: «Бу ўзи асли ёмон, нопоқ эди. Мен буни биринчи кечадаёқ билганман», деб магзава ағдарадиган номардлар йўқми?

Натаиш аёлнинг энг армонли гаплари шу бўлди: «Ўн беш йил давомида эшитган ҳамма сўкиш, ҳақоратли гапларга чидадим. Балким, умримнинг охиригача ҳам тақдирга кўниб ўтишим мумкин эди. Лекин қизлик, аёллик шаънинга тухматни қўтариш кийин экан... Ҳақлигимни худо билса бўлди, дейман, шунча йил бирга яшаган, мунчоқдек болаларининг онаси бўлган хотини ҳақда шундай дейишга тили борган одам билан яшаб кетишимга энди ишонмайман...»

Миллатимизда орият ўлимдан қаттиқ саналади. Мен ўз синглимдек, фарзандликдек бўлган қизларга бу йўлда адашмасликни, шовилмасликни талайман. Минг йиллардан буён синалган доно удумларимиз барчангизнинг бахт йўлларингизни очсин илоийм!



МЭР ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

Испания жанубидаги Кордова шаҳри йўл полицияси рухсат этилмаган жойда турган машинани махсус ажратилган майдончага ҳайдаб боришди. Маълум бўлишча, машина шаҳар мэри Рафал Меринони экан. Жаноб мэр полиция бўлинмасига келиб, машинаси махсус майдончада сақлангани учун 80 доллар миқдорида пул тўлади. Ҳали у қонидан бузгани учун яна 180 доллар жарима ҳам тўлаши керак.

САРИМСОҚДАН ДАВО ИСТАБ

Тайванлик олимлар оқ сичқонларда узоқ муддат синовлар ўтказиб, хар кунни саримсоқ пиёз истеъмол қилиб туриш онкологик касалликлардан сақланишда катта фойда беришини аниқлашди. «Лекин бунда меъёрни унутмаслик керак, — дейишмоқда олимлар. — Вазни 80 килограмм атрофида бўлган киши кунига 10 грамм саримсоқ еса қуфия».

ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛДИ

Россия Федерациясининг субъекти ҳисобланган Татаристон Республикасида амалдаги Конституцияга ўзгаришлар киритилди. Энди Президент учинчи муддатга ҳам сайланиши мумкин, 65 ёшли қечлаш ҳам олиб ташланди. Татаристонда камида ўн йил яшаган, 35 ёшдан кичик бўлмаган ва давлат тилида эркин сўзлаша оладиган киши Президентликка ўз номзодини кўрсатиши мумкин.

ҚЎЛГА ТУШДИ

Москвадаги Внуково аэропортида Ўрта Урал худудидаги кўзга кўринган уюшган жиноий гуруҳнинг раҳбарларидан бири Сергей Терентев қўлга олинди. У 1992 йилдан бери бир қатор оғир жиноятлар содир этган гуруҳни тўзиб, унга раҳбарлик қилганликда айбланмоқда. Терговчилар вилоят ҳукумати биносини ва вилоят ИИББ уюшган жиноятчиликка қарши қураш бошқармасини гранатомётдан ўққа тутишда ҳам Терентевнинг қўли бор деб ҳисоблашмоқда.

КОПЛОНЛАРНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

Россияда «Қизил китоб»га киритилган йирткичи ўлдирган одам қамоқ жазосига ҳукм этилди. Бундай ҳол суд амалиётида ҳали учрамаган эди. Дмитрий Песцов деган киши шу йил ёзида Приморья ўлкаси қўриқхонасидан ушланиб, Москвага жўнатиш учун қафасга солиб қўйилган урғочи коплонни отиб ташлаганди. Улка суди Песцов томонидан етказилган зарарни 57 миллион рубл деб баҳолади ва уни беш йилга «кесиб» юборди. Песцов етказган экологик зарарни эса пул билан ўлчаб бўлмайди. Ваҳоланки, дунёдаги қўриқхоналарда Узоқ Шарқ коплонидан ўнтагина сақланиб қолган, холос.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Боқий аъналар

СЕВГИЯМ ГУВОҲТАЛАБ БЎЛАРКАН

масдим. Яқиндан буён ишончли танишларимга кўнглимни очадиган бўлганман. Асабинг жойида бўлмагач, тилини тийишнинг ҳам кийин бўлиб қоларкан. Эримнинг кўнглини олиш мумкинлигига умидим йўқ эди. Болалар ҳам ўз уйларида кўриб, писиб юришади.

Мен қаерда бўлсам, каталадек уйдими — фарқи йўқ, болаларимни бағримга босиб тинч яшагим, уларни қўлимдан келганича яхши инсонлар қилиб тарбиялагим келади. Шунинг учун узил-кесил қарорга келдим ва эримга: «Эндигина ўттиз олтига кирдингиз. Сиз ҳам, мен ҳам бир умр бахтсиз бўлиб яшашимиз кимга керак? Мана болаларингиз, хоҳлаганда кўринг, гаплагингиз. Лекин энди бирга яшай олмайсиз», — дедим.

Бу гапимни эшитди-ю, эрим: «Ҳа, мен сенинг кўнглинг тусгагандай яшашингга ҳалақит бераман-да! Ажрашмоли, яна бузуқчиликни бошламоқчисан-да! Раҳматингиз қилиб мен сенинг айбингни ўн беш йил яшириб келдим, одамларнинг ичиде номингни оқлаб олдинг. Планинг амалга ошди, энди менинг керагим йўқ, шунақами? Адашасан, мени уйдан ҳайдаб чиқарсанг, етти авлодинга етадиган иснодингни ҳаммага айтаман!» — деб бақира бошлади. Ҳеч бир гапим қор қилмагач, мен дунёдаги энг муқаддаслик номи билан қасам ичиб, эримнинг менга тухмат қилаётганигини айтдим. Йўқ, ўзимни оқлаш ёки унга яхши кўрсатиш учун эмас, чунки бундан умидим йўқ. Шундай қалтир йўл туттишимнинг сабаби — эримни ўйлантирар, у ноҳақлигини ҳис этиб, ҳеч бўлма-са дилида Аллоҳга тавба келтириб, гуноҳини ювишини истадим. Бироқ бу умидим ҳам хато чиқди. «Ҳа, нега қасам ичасан, ҳақ бўлганимда бундай қилмасдинг», — деб маҳаралашга тушди.

Шундан кейин мен уйда худди гунг, соқов одамдек индамай юрадиган бўлдим. Лекин бари-



Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

Ф. СП—1

АБОНЕМЕНТ рўзнома 64654
ойнома

«Оила ва жамият» (нашр номи) (кўрсаткичи)

Обуна сони

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи)

Кимга (исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. н. жойи 64654 (нашр кўрсаткичи)

«Оила ва жамият» (нашр номи)

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	Сўм	Обуна сони
	Баҳоси	Сўм	

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Хурматли қизим НАРГИЗАХОН!
Таваллуд айёминг муборак бўлсин. Сенга узоқ умр, сихат-саломатлик, ўқишларингда муваффақиятлар тилайман. Оллоҳ умрингни зиёда, бахтингни бутун қилсин, илоийм.

Аданг Пўлатхўжа ЮНУСХЎЖАЕВ

Хурматли Ўринбой БОБОЁЕВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан табриклаймиз. Узоқ умр, саломатлик, ишларингизга ривож тилаймиз.

Ҳамкасбаларингиз Эркин, Фарход, Ўткир, Мухиддин




Онажонимиз Раънохон ШИРИНОВА!

Муборак 25 ёшингиз билан табриклаймиз. Энг азгу тилаklarимизни сизга тилаймиз.

Севимли ўглингиз Шохруҳ ва турмуш ўртоғингиз.

ДИЛШОД ака!

Сизни 14 декабр — туғилган кунингиз, навқирон 25 ёшингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Келгуси ҳаётингиз булоқ сувидек тиниқ бўлсин. Ижодингизга равақ, ишларингизга омад тилаб қолувчи умр йўлдошингиз Дилдора ва қизларингиз Дурдона, Гулҳаё.



Хурматли Хайрулла ака РАҲИМОВ, Жанзило опа ЭГАМБЕРДИЕВА!

Таваллуд топган кунларингиз кутлуг бўлсин! Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинглар.

Ўғилларингиз Пардабой ва Фарходжон.

Кадрли онажоним!

Сизни кутлуг 45 ёшингиз билан табриклайман.

Ўғлингиз Лазиз НОРМАТОВ.

Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97

УЛОҚ КИМДА КЕТАРКИН?

Газета ва журналлар учун галвирни сувдан кўтардиган, «жўжани санайдиган» пайт — обуна мавсуми якунланади деб қолди. Бизни қувонтирадигани шуки, «Оила ва жамият»ни ўзининг яқин дўсти, сирдоши, ҳамсуҳбати, фарзандлар тарбиясида маслаҳатгўйи деб билган доимий мухлисларимиз ҳар йилгидек газетамизга содиқ қолиб, биринчи галда обуна бўлишмоқда. Айниқса, Тошкент, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида, Тошкент шаҳрида газетхонларимиз кўп эканлигини республика матубот тарқатиш марказидан олинган маълумотнома кўрсатиб турибди. Газетамизга обуна бўлган барча дўстларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Шу билан бирга, эслатиб ўтмоқчимизки, обуна тугашига жуда оз фурсат қолди. Ҳали «Оила ва жамият»га обуна бўлишга улгурмаганлар шошилишмаса, кейин уни газета дўконларидан тополмай, аттанг қилиб қолиши тайин. Газетамизнинг ҳар бир сонини мунтазам равишда ўқиб боришнинг энг ишончли йўли обунадир.

Республикамиз вилоятларида «Оила ва жамият» газетасига обунанинг бориши ҳақида 1996 йил 6 декабргача бўлган маълумот

№	Вилоят	Якка обуначилар	Корхоналар	Жами
1	Тошкент вилояти	654	170	824
2	Қашқадарё вилояти	512	235	747
3	Тошкент шаҳри	531	185	716
4	Фарғона вилояти	598	90	688
5	Анджон вилояти	398	72	470
6	Наманган вилояти	307	145	452
7	Қорақалпоғистон Рес.	306	135	441
8	Сурхондарё вилояти	246	146	392
9	Самарқанд вилояти	249	105	354
10	Хоразм вилояти	177	111	288
11	Жиззах вилояти	169	63	232
12	Бухоро вилояти	123	79	202
13	Сирдарё вилояти	63	97	160
14	Навоий вилояти	95	42	137
ЖАМИ		4428	1675	6103

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

ҳайвонларни туш кўриш

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

От минган киши қудрат ва салтанат соҳиби бўлади, муродига етади.
 Ҳачир кўриш — саёҳат белгиси.
 Устига юк ортилган эшак тушингизга кирса, қутилмаган ердан ризқу насиба етади.
 Ва магар, тушингизда иттифоқо қаршингиздан туя, от ё эшак чиқиб қолса, суюнинг: сиз уйлаб юрган ниятингизга ноил бўласиз.
 Тушида туя минган киши сафарга чиқади. Бир гала туяга эга бўлган одам эса улуг мансабга эга бўлади. Агар сизга туя даф қилса, кўркмоқ керак, бу бир ёмонлик нишонаси. Агар бирон шахар ё кентга устига юк ортилган туя кириб келганини туш кўрсангиз ҳам, хушёр тортинг.
 Сиз яшаб турган ерда юкмули касаллик тарқалиш гумони бор.
 Ҳўкиз — сармоя, мол-давлатга далолатдир. Ва аксинча, сиз истикомат қилаётган жойда қора-кўнғир ҳўкизлар пайдо бўлса ва уларнинг устида оғир юкларни кўрсангиз, билинги, бу — қандай юкмули касаллик аломатлари.
 Ҳар қандай ҳайвоннинг тезагини туш кўриш фарзанд туғилишига башорат ҳисобланур.
 Агар сизга фил ҳужум қилса, бир фалокатга йўлиқасиз ва бальакс, тушда фил миниб юриш юксак мартаба, обрў, давлатдир.
 Агар шер билан олишиб, уни мағлуб этсангиз, душманларингиз устидан ғолиб келасиз. Шердан қочиб қутулиш ҳам музаффарликни, мурод ҳосил қилишини билдиражак.
 Барс, қорлон кўриш ҳам маъкур маъноларни англатади.

Ит — ожиз бир душман тимсоли. Тушингизда сизга қараб хурган ит майда-чуйда ғийбат ва миш-миш, демакдир. Агарда ит талаб, кийимингизни йиртса, билинги, рақибингиз сизга қарши ҳаракат бошлаган бўлади.
 Тушда мушук тирнагани бесаранжомлик ва беморликка ишорадир.
 Агар олдингиздаги таомингизни сичқон еб турган бўлса, насибангиз қирқилади.
 Тушида илон кўрган киши душман ортиради. Душманнинг зўрлиги эса, илоннинг катта-кичиклигига боғлиқдир. Мабодо тугингизда сизга илон даф қилса, зийнзаҳмат чекасиз.
 Чаён кўрсангиз, заифроқ бир душман орттисиз ва мол-мулкнингизга андак шикаст етади. Тушда чаён чаққани — ганимларингизнинг сизни ғийбат қилганидир.
 Агар тушингизда уйингизда чумоли ўрмалаб қираётган бўлса, севининг: хонадонингизга Оллоҳнинг шарофати ёғилади, давлатли бўласиз. мабодо, осмон тўла чигиртка кўрсангиз, аксинча, бу ёв аскарлари демакдир.
 Тушда қалқил кўриш — оқ кўнғил ва доно аёлга уйланишни билдиради, қурка узоқ чўзиладиган касалликни англатади. Тушга бойўғли киргани ёмон, ўлим-ийтим кўп бўлиши мумкин.
 Тушга балиқ кирган одам уйланади. Йирик ва кўп балиқлар кўриш давлат, майда балиқлар эса турмуш ташвишларини билдиражак.
 Тимсоҳ — душман. Рақибингизнинг кучли ё кучсизлиги тимсоҳнинг нечоғлик катта-кичиклигига боғлиқ.

(Давоми келгуси сонларда)

Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97 Обуна-97

Лука ГОЛДОНИ,
Италия

ТАБИБ ТАБИБ ЭМАС...

Ҳажвий ҳикоя

Яқинда бир танишим шикоят қилиб қолди:

— Қизиқ. Икки йил олдин мен инфаркт бўлганимда дўхтирлар икки ой каравотга миҳлаб қўйишганди — туриш мумкин эмас, деб. Касалхонадан жавоб беришаётиб, оғир жисмоний ҳаракатлар қилманг, ҳатто зинапоялардан тепага кўтарилманг, деб тайинлашганди. Утган ҳафта биродаримни кўргани касалхонага борсам, инфаркт бўлганига уч-тўрт кун ўтиб, бемалол юрибди. Дўхтирлар: сенор Августо, ётаверасизми, қани туриг-чи, юринг, спорт билан шугулланинг, теннис ўйнанг, юракни машқ қилдириш керак, дейишиб, шўрликни тўрт кун ўтмай турғизиб юборишибди...

Ҳа, эндиликда бир замонлар барқарор ҳисобланган назариялар сўл марказчиларнинг ҳукуматидай беқарор бўлиб қолди. Нимасини айтасиз, неча-неча авлодлар дезинфекция қилишда спиртдан ўткир нарса йўқ, деган буюк бир ишонч билан ўтиб кетишди. Баданларимизга нина уришдан олдин суртилади спиртлар, э-ҳе, яраларга қуйилган челақ-челақ спиртларни айтмайсизми. Ахир, бир кун келиб спирт деганлари арзимас матоҳ, уни фақат мебелларни ялтиратишу дераза шишаларини ярақлатиб тозалаш учунгина ишлаши мумкин холос, дейишларини хаёлга келтирганмидик. Нима эмиш, спиртнинг бактерияни ўлдириш қуввати жуда арзимас даражадамиш. Эндиликда микробларни янги воситалар, куйдириб-ачитмайдиған, хушбўй, дезодарантга ўхшаған нарсалар билан даф қилишаркан.

Ёки тухумнинг зарари ҳақида нималарни ёзишмади, қанча гапларни гапиришмади дейсиз. Дастурхонда майонез пайдо бўлди дегунча меҳмон шўрлик биқинини ушлаб, жигаридан шикоят қиларди. Бу ҳақда мактаб ўқувчилари ҳам пухта билимга эга эдилар: улар иншо ёзишса, албатта товуқ тухум беради, бироқ тухум жигарга зарарли, деб ёзишарди. Кейин туйқусдан ҳамма тухумни оқлашга тушиб кетди: тухум мутлақо хавфсиз, айрим мутахассисларнинг фикрига қараганда, жигарнинг соғломлиги учун тухумдан яхши восита йўқ. Раҳмат сизга, жаноблар!

Аммо мана бу хабар, айниқса, хотинларни саросимага солиб қўйди: куёшда тобланиш ўта хавфли, куёш нури тери тўқималарини бузади, куйдириб олачалоқ қилиб ташлайди. Асрлар давомида куёш — бу иссиқлик, соғлиқ, бу — ҳаёт манбаи деб келинган ишонч-эътиқодлар кунпаякун бўлди, келажак куёшдан пана, соя жойда эканига ишонтирила бошланди. Куёшни оқлаб олишга бир неча йиллар кетди.

Вино масаласида ҳам айтиш жоизки, яхши томонга туб бурилиш содир бўлди. Франсуз дўхтири Морининг «Вино билан даволанинг» деб номланган китоби кўлма-кўл бўлиб кетди. Албатта, бу китобни ҳеч ким Инжилга тенглаштиргани йўқ, бироқ франсуз дўхтирининг ҳамкасблари унинг таклифини синаб кўрса бўлади, деб туришганда баҳсга ўрин қоладими! Хуллас, Морининг ёзишча, гипертония касаллигини бир кунда тўрт стакан кўпирадиған вино ичиб, жигарни эса тўрт бакал шампанни ҳар кун сипқориб даволаса бўларкан...

Агар терапиядаги бу хил мўъжизалардан секин психологияда яратилаётган кашфиётларга ўтадиған бўлсак, тамом ҳайратга тушасиз. Бу ўринда ёрқин юлдуздай педагогика осмонидан пайдо бўлған Бенжамен Спокнинг кўрсатмаларига тўхталмай илож йўқ. Миллионлаб италиялик оналар болаларининг кўлидан ушлаб юришар, бирор-бир жанобнинг бошига музқаймоқни тушириб юборганида бундай қилиш ярамаслигини тушунтириб, болани огоҳлантиришарди. Кейин Бенжамен Спок фавқуллодда кашфиёт қилиб, баъзи-баъзида бола бирор-бир жанобнинг бошига музқаймоқни тушириб юбориши унчалик зарар келтирмаслигини исботлади.

Тўғри-да, болалардан кўз-қулоқ бўлиш, бақириб-чақириб, даргазаб бўлиб уришиш — бекорчи ҳаракат! Бунинг устига асабингиз бузилиб, юрагингиз ўйнайди, оқибатда бунинг юрак томирларига салбий таъсири бор.

Аммо бошқа бир назария ҳам борки, унда бунинг мутлақо тескари, яъни ижобий таъсири исботлаб берилган. Хуллас, бошингизга тушганда кўраверасиз, чунки табиб табиб эмас...

Аҳмад ОТАБОЙ таржимаси

АБОНЕМЕНТНИ ТУЎҒРИ ТУЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементада касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпеллини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Ўрзунома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қондаларга риоя қилиб тўлдириг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОИИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

КУТАВЕРИНГ!

Ажабо!

Одамлар орасида 120 ёшли Калман хонимдек оптимист ва ҳаётни севувчилар кам учраса керак. Бу хонимнинг туғилган кунинида 10 мингдан ортиқ табриқномалар келди. Уларнинг бари Калман хонимга соғлиқ ва узоқ умр тилашган. Хоним эса бу тилакларнинг ҳаммасини ҳаётга тадбиқ этмоқчи.

Жанна Калман 1885 йили туғилган, 21 ёшида бир фабрикада турмушга чиққан. Икки йилдан сўнг улар ўғилли бўлишган. Кўп йиллар ўтгач, Калман хоним эрини ҳам, ўғлини ҳам нариги дунёга кузатган. Ўзи эса Жанубий Франциядаги қариялар уйдан ту-

риб тараққийетни кузатмоқда.

Бу хоним ҳаёти давомида фақат битта одам — ўз нотариусининг кайфиятини бузмоқда, холос. Гап шундаки, 1965 йили нотариус унга ҳаёти давомида квартира ҳақини тўлаш ва ўлгандан сўнг ўзининг шахсий мулкига айлантириб олиш шарти билан уй олиб беради. Лекин ҳар ойлик тўловлар ошиб бормоқда, кампир эса ҳали-вери ўладиган эмас. Бечора лўттивоз қанчалик куюномасин, унинг бу ҳолига Жанна Калман кулиб шундай дейди: «Энди қандай қиласан, қария, ҳаётда шундай зарарли битимлар ҳам тузиб турилади».



Харидор: — Эшак неча пул, таксир?
Афанди: — 250 доллар, бўтам, камми бор...

Муассисларимиз:

Ўзбекистон
Республикаси
Хотин-қизлар
қўмитаси, Болалар
жамғармаси ва
«Соғлом авлод
учун» Халқаро
хайрия
жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот маркази»
уюшмаси асослагани

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Раҳматилла БЕРДИЕВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0722 21597 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.